

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

АРЗЫМБЕТОВ АЛИШЕР ЖОЛЫМБЕТОВИЧ

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ
ЭКОЛОГИК-МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ВА УНУМДОРЛИГИНИ
ЯХШИЛАШ (ХЎЖАЙЛИ ВА ТАХИАТОШ ТУМАНЛАРИ
МИСОЛИДА)**

06.01.03 – «Агротупроқшунослик ва агрофизика»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on agriculture sciences**

Арзымбетов Алишер Жолымбетович

Жанубий Оролбўйи суғориладиган тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолати ва унумдорлигини яхшилаш (Хўжайли ва Тахиатош туманлари мисолида) 3

Арзымбетов Алишер Жолымбетович

Улучшение эколого-мелиоративного состояния и плодородия орошаемых почв Южного Приаралья (на примере Ходжайлинского и Тахиаташского районов) 21

Arzimbetov Alisher Jolimbetovich

Improvement of ecological-meliorative condition and fertility of irrigated soils of the South Aral Sea region (on the example of Khodayli and Takhiatash districts) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

АРЗЫМБЕТОВ АЛИШЕР ЖОЛЫМБЕТОВИЧ

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ
ЭКОЛОГИК-МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ВА УНУМДОРЛИГИНИ
ЯХШИЛАШ (ХЎЖАЙЛИ ВА ТАХИАТОШ ТУМАНЛАРИ
МИСОЛИДА)**

06.01.03 – «Агротупроқшунослик ва агрофизика»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/Qx693

Диссертация доктора философии выполнена в Каракалпакском институте сельского хозяйства и агротехнологий

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: (www.soil.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Раупова Нодира Бахромовна доктор биологических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Мазиров Михаил Арнольдович доктор биологических наук, профессор Российский государственный аграрный университет - МСХА имени К.А. Тимирязева Халикулов Шодикул Турдикулович доктор сельскохозяйственных наук, профессор Самаркандский государственный университет
Ведущая организация:	Ургенчский государственный университет

Защита состоится «14» 07 2022 г. в «10⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИПА Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37, e-mail: info@soil.uz).

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирована за № 65). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИПА Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37;

Автореферат диссертации разослан «27» 06 2022 года

(реестр протокола рассылки № 7 от «27» 06 2022 г.)


Ш.М.Бобомуродов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
старший научный сотрудник
Ж.М.Кузиев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.ф.с.н.,
старший научный сотрудник
Н.Ю.Абдурахмонов
Председатель научного семинара по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
старший научный сотрудник

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда «дунёда 833 миллион гектардан ортиқ суғориладиган ер майдонлари аллақачон шўрланганлиги глобал шўрланган тупроқлар харитасида қайд этилган. Табиий ресурслардан мақсадсиз фойдаланишлар, кишлок хўжалигида озик-овқат етиштириш ҳажмини кўпайиши тупроқларга бўлган босимнинг ортишига, натижада бутун дунёда тупроқ деградациясининг авж олишига олиб келмоқда»¹. Шу сабабли Оролбўйи суғориладиган тупроқларини агрофизикавий хоссалари, агромелиоратив ва экологик ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган агротехнологик тадбирларни илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ва жорий этиш бугунги кундаги долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Дунёда кишлок хўжалигини янада ривожлантириш, суғориладиган тупроқлар унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириш, агромелиоратив ва экологик ҳолатини соғломлаштиришда табиий ноанъанавий ўғитлар ва ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишни жорий этишга қаратилган бир қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, тупроқларни агрофизикавий хоссаларини яхшилаш баробарида экологик-мелиоратив ҳолатини тиклаш ва соғломлаштиришга, экинларни мақбул ўсиб ривожланишини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, тупроқ ресурсларини бошқаришда рақамли технологияларни қўллаш билан бирга фан ва амалиёт ютуқларини кенг жорий этишга эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда суғориладиган тупроқларни экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ ҳолатидан келиб чиқиб қўлланиладиган агротехнологик тадбирларни белгилаш орқали унумдорлигини сақлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар ва илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармонида «...янги ва фойдаланишдан чиққан 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш, илм-фан ва инновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, агросаноат корхоналарини хом-ашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баравар ошириш» муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган². Шунинг учун ҳам суғориладиган ерларнинг ҳозирги экологик-мелиоратив ҳолатини ўрганиш, агрофизикавий хоссаларини мақбуллаштириш баробарида минерал ўғитлар ўрнини тўлдирувчи ноанъанавий ўғитлардан фойдаланиб экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашга асосланган ресурстежамкор агротехнологияларни қўллаш, тупроқни шўрланиш, озика моддалар билан таъминланганлиги, механик таркибини ифодаловчи хаританомалар тузиш ва шу асосида агротехник тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали

¹ <https://www.fao.org/newsroom/detail/world-soil-day-fao-highlights-threat-of-soil-salinization-to-food-security-031221/ru>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5202-сон БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги махсус резолюциясини амалга ошириш бўйича ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган тупроқларнинг агрофизикавий, агрохимёвий хоссаларини ўрганиш асосида агромелиоратив, экологик ҳолатини яхшилашга ҳамда замонавий геоахборот тизимидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари бир қатор хорижлик олимлар Н.Г.Минашина, Л.П.Розов, А.Д.Воронин, М.А.Мазиров, Е.В.Шейн, Г.В.Добровольский, А.В.McBratney, А.Х.Zhu, Т.Hengl, V.L.Mulder, S.Grunwald, М.С.Симакова, И.Ю.Савин, М.В.Конюшкова, А.В.Жоголев ҳамда республика олимлари М.У.Умаров, И.Н.Фелициант, Ж.С.Сатторов, Р.Қ.Қўзиев, Л.Турсунов, Х.Х.Турсунов, А.Х.Абдуллаев, С.Абдуллаев, И.Т.Туропов, М.М.Ташқўзиев, Л.А.Ғафурова, Р.Қурвантаев, Ш.М.Бобомуродов, Н.Ю.Абдурахмонов, Ш.Т.Ҳолиқулов, Б.Жоллыбеков, У.Е.Исмайлов, Б.Мамбетназаров, А.Жумамуратов, А.У.Ахмедов, А.Ж.Исманов, Ғ.Т.Парпиев, М.Э.Сайдова, А.С.Пўлатов, А.Акрамхонов, М.Қ.Султанов, Г.Т.Джалилова, В.Х.Шеримбетовлар ва бошқалар томонидан олиб борилган. Лекин, Жанубий Оролбўйи ҳудуди суғориладиган тупроқларининг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини тиклаш баробарида ғўзани ўсиб-ривожланишини мақбуллаштиришда ресурстежамкор ноанъанавий ўғитлардан фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-007-2015 «Жанубий Орол шўр тупроқ шароитида ғўза ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигини оширувчи маҳаллий минерал агрорудаларни қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Оролбўйи ҳудуди суғориладиган тупроқларини экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини тиклаш ва оширишда ноанъанавий ўғитлардан фойдаланишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хўжайли ва Тахиатош туманлари ҳудудларида танланган таянч хўжаликларида тупроқ қопламани комплекс ўрганиш, суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолати, агрохимёвий ва агрофизикавий хоссаларини ҳозирги даврдаги ҳолатини аниқлаш;

танланган ҳудудлар суғориладиган тупроқлар рақамли хаританомаларини ишлаб чиқиш;

ҳудудда тарқалган суғориладиган тупроқларнинг сув-физик хоссаларига ноанъанавий ўғитлар таъсирини аниқлаш;

ҳудуднинг суғориладиган шўрланган тупроқларида туз тўпланиш жараёнлари ва озика тартиботига ноанъанавий ўғитлар таъсирини аниқлаш;

ҳудуднинг суғориладиган шўрланган тупроқларида ғўзани ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигини яхшилашда ноанъанавий ўғитлар қўллашни такомиллаштириш;

ҳудуд суғориладиган тупроқлари ҳозирги давр экологик-мелиоратив ҳолати ва унумдорлигини инобатга олган ҳолда уларни яхшилашга оид тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Жанубий Оролбўйи ҳудудида тарқалган турли даражада шўрланган, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар ва ғўза экини танланган.

Тадқиқотнинг предмети суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг морфологияси, агрокимёвий хоссалари, кимёвий, механик, макро ва микроагрегат таркиби, экологик-мелиоратив ҳолати ва агрофизикавий хоссалари, ноанъанавий ўғитлар, турли мавзудаги хаританомалар.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва лаборатория тадқиқотлари ТАИТИ ҳамда собиқ ЎзПИТИ институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган: «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методы агрофизических исследований почв Средней Азии» услубий қўлланмалари ҳамда Е.В.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв» номли услубий қўлланмаси асосида бажарилган. Олинган тадқиқот натижаларига Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» қўлланмаси асосида математик-статистик ишлов берилган ҳамда тупроқ агрокимёвий хаританомаларини яратишда ArcGIS 10.6.1 дастурий таъминоти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Суғориладиган ерларда тупроқ агрокимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш ҳамда минерал ўғитларга бўлган илмий талабни ишлаб чиқиш бўйича услубий кўрсатмалар» қўлланмаси ёрдамида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Жанубий Оролбўйи суғориладиган тупроқларида ўзига хос деградация жараёнлари (сахроланиш, шўрхокланиш, дегумификация) кечаётганлиги аниқланган;

минерал ўғитларни $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрини 25 фоизга камайтириб ($N_{185}P_{130}K_{90}$) ноанъанавий ўғитлардан глауконит ва глаукофосни 600 кг/га меъёрда қўллаш, тупроқ ҳажм оғирлигини 0,3-0,4 г/см³ га камайтириши ва минерал ўғит қўлланилганга нисбатан намлик тартиботини 30-35 фоизга яхшилаши асосланган;

глауконит глаукофосга нисбатан тупроқда 6-7 фоиз кўпроқ ил заррачаларига бирикиши ҳисобига, туз тўпланиш ва иккиламчи шўрланишни

олдини олиб, туз тўпланишини 0,080-0,110 фоизга, иккиламчи шўрланишни 0,016-0,019 фоизга камайтириши исботланган;

минерал ўғитларга нисбатан минерал + ноанъанавий (глауконит глаукофос) ўғитларни биргаликда қўлланилиши гумус миқдорини 0,04-0,08 фоизга, фосфорни 7-8 фоизга, калийни 10-12 фоизга юқори бўлиши исботланган;

суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларга минерал ва ноанъанавий ўғитларни $N_{185}P_{130}K_{90}$ + глаукофос 600 кг/га миқдорларда қўлланилиши пахтадан қўшимча 2,3 ц/га ҳосил олиш имконини бериши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жанубий Оролбўйи шўрланган тупроқлари шароитида тупроқ хоссалари ва ғўза ҳосилдорлигига таъсир қилувчи ноанъанавий ўғитларни қўллаш бўйича ўтказилган тажриба асосида «Эффективность применения местных минеральных агроруд в условиях засоленных земель Каракалпакстана» номли тавсиянома ишлаб чиқилган;

Хўжайли туманининг Ойбек номли массивидаги «Аллашукур-Бегзад», Қорақалпоғистон номли массивидаги «Бегзад Тажибоев» ва Тахиатош туманидаги Хамза номли массивидаги «Мустақиллик», Найман массивидаги «Алишер» номли фермер хўжаликларида бажарилган тупроқ тадқиқотлари натижасида ҳудуд суғориладиган тупроқлари учун ArcGIS дастури асосида тупроқнинг механик таркиби, шўрланиши, гумус ва озика моддалари билан таъминланганлик даражасини акс эттирувчи хаританомалари тузилган;

суғориладиган тупроқлар шароитида тупроқ сув-физик хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолатини мақбуллаштиришда қўлланилиб келинаётган минерал ўғитлар меъёрини 25 фоизга камайтириб, ноанъанавий ўғитларни биргаликда қўллашни такомиллаштиришга қаратилган амалий тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар дала, лаборатория ва камерал усуллардан фойдаланган ҳолда агротупроқшуносликда умумқабул қилинган услублар, назарий ва амалий натижалар бир-бирига мослиги ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, олинган маълумотлар статистик таҳлил қилинганлиги, хулосалар илмий асосланганлиги, тажриба Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази апробация комиссиясининг ишчи гуруҳи томонидан ижобий баҳоланганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги унинг ишонччилигини исботлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жанубий Оролбўйи суғориладиган тупроқларида ўзига хос деградация жараёнлари (сахроланиш, шўрхокланиш, дегумификация) кечаётганлиги аниқланганлиги, минерал ўғитларни $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрини 25 фоизга камайтириб ($N_{185}P_{130}K_{90}$) ноанъанавий

ўғитлардан глауконит ва глаукофосни 600 кг/га меъёрда қўллаш, тупроқ ҳажм оғирлигини 0,3-0,4 г/см³ га камайтириши ва минерал ўғит қўлланилганга нисбатан намлик тартиботини 30-35 фоизга яхшилаши асосланганлиги, глауконит глаукофосга нисбатан тупроқда 6-7 фоиз кўпроқ ил заррачаларига бирикиши ҳисобига, туз тўпланиш ва иккиламчи шўрланишни олдини олиб, туз тўпланишини 0,080-0,110 фоизга, иккиламчи шўрланишни 0,016-0,019 фоизга камайтириши исботланганлиги, минерал ўғитларга нисбатан минерал + ноанъанавий (глауконит, глаукофос) ўғитларни биргаликда қўлланилиши гумус миқдорини 0,04-0,08 фоизга, фосфорни 7-8 фоизга, калийни 10-12 фоизга юқори бўлиши исботланганлиги, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларга минерал ва ноанъанавий ўғитларни $N_{185}P_{130}K_{90}$ + глаукофос 600 кг/га миқдорларда қўлланилиши пахтадан қўшимча 2,3 ц/га ҳосил олиш имконини бериши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, «Эффективность применения местных минеральных агроруд в условиях засоленных земель Каракалпакстана» номли тавсияномаси ҳудуд суғориладиган тупроқларида ноанъанавий ўғитлардан тўғри фойдаланиш, тупроқ сув-физик хоссаларини яхшилашга ҳамда Хўжайли тумани Ойбек номли массивидаги «Аллашукур-Бегзад», Қорақалпоғистон номли массивидаги «Бегзад Тажибоев» ва Тахиатош тумани Хамза номли массивидаги «Мустақиллик», Найман номли массивидаги «Алишер» фермер хўжаликлари суғориладиган тупроқлари рақамли хаританомалари ҳудуд тупроқлари механик таркибидан келиб чиқиб чора-тадбирларни тўғри белгилаш, шўрланишни камайтириш, гумус ва озика моддалар билан таъминланишини яхшилашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Оролбўйи суғориладиган тупроқларининг экологик-мелиоратив ҳолати ва унумдорлигини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Эффективность применения местных минеральных агроруд в условиях засоленных земель Каракалпакстана» номли тавсияномаси ишлаб чиқилган ва Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида амалиётга жорий қилинган. (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 02/05-2819-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудуднинг шўрланган, суғориладиган тупроқлар экологик-мелиоратив ҳолати ва унумдорлигини яхшилаш, ғўза ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигини оширишда ноанъанавий ўғитлардан фойдаланишни такомиллаштиришда илмий асосдаги қўлланма сифатида хизмат қилган;

Хўжайли тумани ҳудудидаги Ойбек, Қорақалпоғистон, Ахунбобоев, Амударё, П.Халмуратов номли массивларидаги 3458,7 гектар ва Тахиатош тумани Азатлық, Найман, Хамза номидаги массивлардаги 1527,65 гектар суғориладиган тупроқлари учун ArcGIS дастури асосида тупроқ механик таркиби, шўрланиш, гумус ва озика моддалари билан таъминланиши бўйича тупроқ хаританомалари тузилган ва жами 4986,35 га ер майдонида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги

вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 02/05-2819-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу хаританомалар тупроқларга минерал ўғитларни тўғри қўллаш, шўр ювиш ва агротехник тадбирларни тўғри бажариш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан, 1 та республика ҳамда 3 та халқаро илмий амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи боби икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми «*Жанубий Оролбўйи ҳудуди тупроқларининг ўрганилганлик ҳолати*» деб номланган, унда мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили келтирилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, Жанубий Оролбўйи ҳудудидаги суғориладиган тупроқларнинг эволюцияси, унда кечаётган жараёнларни ўрганишга бағишланган илмий адабиётлар шарҳи баён этилган.

Иккинчи қисми «*Тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашда ноанъанавий ўғитлардан фойдаланишга доир тадқиқотлар*» деб номланиб, унда тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини тиклаш, унумдорлигини яхшилаш ва ғўза ҳосилдорлигини оширишда ноанъанавий ўғитлардан фойдаланишга қаратилган кенг қамровли хориж ва республика олимлари тажрибалари натижалари ёритилган бўлиб, тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолати ва унумдорлигини яхшилаш зарурлиги тўғрисида хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Жанубий Оролбўйи ҳудудининг табиий-географик шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг геоморфологияси, тупроқ ҳосил қилувчи жинслари ва сизот

сувлари, иқлими, рельефи, ўсимликлари, суғориладиган ҳудудларда тарқалган асосий тупроқлар тавсифини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида маълумотлар келтирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди Устюрт платоси, Қорақум, Қизилқум чўллари ўртасидаги текислик, геоморфологик нуқтаи назардан нисбатан пастлик ерлардан иборат бўлиб, Амударёнинг қадимги ва ҳозирги замонавий дельталарида жойлашган, геологик тузилишига кўра, ҳудудда 4 типдаги: қадимий кристалл жинслар, бўр-оҳақтош ётқизиқлари, учламчи давр ва охириги тўртламчи давр ётқизиқларига ажратилган.

Жанубий Оролбўйи минтақасининг иқлими Ўзбекистоннинг бошқа текисликлари иқлимига нисбатан сезиларли даражада кескин континенталлиги ва қуруқ келиши билан фарқ қилади. Оролбўйи минтақаси континентал субтропик иқлим зонасига киритилади. Оролбўйи минтақасининг ўзига хос иқлим хусусияти шимол томондан совуқ Арктика оқимларининг кириб келиши билан боғлиқ бўлиб, бу вақтда ҳаво ҳарорати минимум даражагача ($-34 - 36^{\circ}\text{C}$) пасайиши, тупроқ қатлами 0,5-0,7 метргача чуқурликда музлаши билан ажралиб туради.

Жанубий Оролбўйи ҳудуди Қорақалпоғистон Республикасининг рельефи ва тупроқ ҳосил қилувчи жинслари ўта мураккаб, хилма-хил бўлиб, тупроқ қопламларининг асосий хусусиятларини белгилайди. Бу ҳолат ҳудуднинг дельтали тузилиши ва баландликнинг кичик кўрсаткичларида ёмон зовурлашганлиги билан тавсифланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди Амударёнинг жуда қадимий, қадим ва нисбатан ёш ҳозирги дельтасини ҳамда Қизилқумнинг бир қисми, Устюрт платоси ва Орол денгизи акваториясини ўз ичига олади. Генетик эволюцион ўзгаришлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси минтақасида суғориладиган: ўтлоқи-тақир, тақир-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлар шаклланган. Жуда кам ҳолатларда кичик участкаларда ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар учрайди. Жанубий Оролбўйи ҳудудидаги барча туманларда суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар кенг тарқалган.

Диссертациянинг «Тадқиқот объекти ва услублари» деб номланган учинчи бобида ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитини ақс эттира оладиган, геоморфологик туманларни қамраб оладиган жойлари танланиб тупроқ кесмалари қўйилган. Хўжайли туманининг Ойбек номли массиви ҳудудидаги ТошДАУ Нукус филиали ўқув тажриба хўжалиги тажриба майдони ҳамда «Аллашукур Бегзад» фермер хўжалигининг 102,5 га майдонида, Тахиатош тумани Хамза номли массиви «Мустақил» фермер хўжалигида 144,8 га, Найман номли массивидаги «Алишер» фермер хўжалигида 88,25 га, Хўжайли туманининг Қорақалпоғистон номли массиви «Бегзод Тажибоев» фермер хўжалигида 353,2 гектар майдонлари тупроқларининг агрокимёвий, агрофизик, мелиоратив хоссаларини дала-кузатув ва лаборатория таҳлиллари асосида ўрганилди ва тупроқ хосса-хусусиятларини ақс эттирувчи хаританомалари тузилди.

Тадқиқотлар услуби асосини қиёсий-геокимёвий, қиёсий-географик, лаборатория-аналитик, маълумотларни умумлаштириш, геоахборот

тизимлари ташкил этади. Жанубий Оролбўйи ҳудудида тарқалган тупроқларнинг хосса-хусусиятларини комплекс равишда ўрганиш мақсадида Хўжайли ва Тахиатош туманлари мисолида тупроқларни шўрланиш даражасини ҳамда суғориш даври давомийлигини ҳисобга олган ҳолда танланган массивлардан 15 та асосий тупроқ кесмалари солиниб, генетик қатламларга ажратилди ва дала шароитида уларнинг морфологик белгилари ўрганилди. Дала тажрибаси Хўжайли тумани Ойбек номли массивида жойлашган ТошДАУ Нукус филиалининг ўқув тажриба хўжалиги тажриба майдонида ўтказилди. Тадқиқот объекти сифатида шўрланган тупроқлар, маҳаллий минерал ноанъанавий ўғитлар (глауконит, глаукофос) ва ғўза экини хизмат қилган. Тажриба майдони тупроқлари механик таркиби ўрта қумоқ, ўртача шўрланиш даражасига эга ва ер ости сизот сувлари 1,5-2,0 метр чуқурликда жойлашган. Тажриба 9 вариантдан иборат, бир ярусда жойлашган. Ҳар бир вариант майдони 240 м² (50x4,8м), ҳисоб китоб ўтказиш майдони 120 м² (2,4x50 м). Тажриба майдон 6480 м², участка (контур)нинг умумий майдони 1,2 гектарни ташкил этади ва ғўзанинг С-4727 нави экилган.

Диссертациянинг **«Жанубий Оролбўйи ҳудуди суғориладиган тупроқларининг ҳозирги ҳолати»** деб номланган тўртинчи бобида тупроқларининг морфогенетик хусусиятлари, мелиоратив ҳолати, механик, макро ва микроагрегт таркиби, агрофизикавий, агрохимёвий хоссалари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бобнинг *«Суғориладиган тупроқларнинг морфогенетик хусусиятлари ва уларнинг ўзгариши»* деб номланган қисмида қуйидаги маълумотлар берилган: Хўжайли ва Тахиатош туманлари ҳудудида тарқалган суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг морфогенетик хусусиятларини шаклланиши дарё ётқиқлари билан боғлиқлиги аниқланган. Ҳудуднинг рельефи, тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг хусусияти, ўсимлик қоплами, иқлим шароитлари, сизот сувларининг чуқурлиги ва шўрланиш даражалари тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларига доимий равишда таъсир қилиб келган. Тупроқлар шўрланиши ва сув тартиботининг ниҳоятда тез ўзгарувчанлиги тупроқ қопламининг тузилиши ва таркибига, шунингдек уларнинг хилма-хиллигини белгиловчи ўсимлик қопламига ўзининг сезиларли таъсирини ўтказиб келмоқда. Шу боис, чўл минтақаси тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганишда шўрланган тупроқларнинг морфогенетик хусусиятлари шўрланиш даражаларини аниқлашда муҳим диагностик кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳудудда тарқалган эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар янгидан ўзлаштирилган ва янгидан суғориладиган тупроқларга нисбатан гумусли қатлам қалинлигини ортиши, ранги бироз оч рангда ифодаланиши, механик таркиби оғирлашуви ва структурасининг ўзгариши билан характерланади. Суғориладиган тупроқларнинг шаклланиши ва ривожланиши доимий равишда ўзгариб турувчи ташқи муҳит шароитлари билан ўзаро чамбарчас боғлиқ.

Суғориладиган тупроқларнинг умумфизик хоссалари бўлимида қуйидаги маълумотлар берилган: Тадқиқот ҳудудларида тарқалган суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг солиштирма оғирлиги қатламлар бўйлаб

ўзгарувчан кўрсаткичларга эга бўлиб, мақбул кўрсаткичлар юқори ҳайдалма (2,61-2,63 г/см³) ва ҳайдов ости қатламларга тўғри келиши (2,67-2,69 г/см³) ва профил бўйлаб чуқурлашган сари солиштирма оғирлик секин аста ошиб (2,71-2,80 г/см³) бориши кузатилади. Тупроқ ҳажм оғирлиги ўтлоқи-аллювиал тупроқларни ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида 1,30-1,37 г/см³ ни ташкил этиб, мақбул кўрсаткичларда эканлиги, шўрхоқларда эса 0-25 сантиметрли қатламда 1,45 г/см³ ни, пастки қатлам томон 1,54 г/см³ ни ташкил этган ҳолда нисбатан зичлашганлиги кузатилади.

Буни тавсифланаётган тупроқларнинг суғориш даври ва маданийлашганлик ҳолатларидаги фарқланишлар билан боғлиқ деб изоҳлашимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Хўжайли ва Тахиатош туманлари ҳудудида тарқалган тупроқларнинг умумфизик хоссалари

Кесма рақами	Қатлам чуқурлиги, см	Ҳажм оғирлиги, г/см ³	Солиштирма оғирлиги, г/см ³	Умумий ғоваклик, %
Янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқ. Хўжайли тумани, Ойбек массиви, ТошДАУ НФ тажриба майдончаси				
1	0-25	1,34	2,62	49,4
	25-33	1,36	2,64	47,2
	33-50	1,44	2,67	46,8
	50-92	1,46	2,70	46,1
	92-157	1,48	2,71	45,6
	157-200	1,51	2,72	45,1
Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқ. Тахиатош тумани Хамза массиви				
3	0-24	1,30	2,61	47,5
	24-37	1,36	2,63	46,7
	37-50	1,38	2,65	46,1
	50-80	1,41	2,67	45,8
	80-152	1,43	2,69	45,3
Янгидан ўзлаштирилган ўтлоқи-аллювиал тупроқ. Хўжайли тумани Оқ олтин массиви				
4	0-28	1,31	2,62	48,4
	28-36	1,37	2,65	48,0
	36-48	1,41	2,69	47,9
	48-60	1,44	2,71	47,4
	60-126	1,46	2,80	47,0
	126-144	1,48	2,82	46,8
	144-170	1,51	2,85	46,3
Шўрхоқ. 10 йиллар олдин кишлоқ хўжалигида фойдаланилган. Тахиатош тумани Азатлик массиви				
12	0-2	1,41	2,59	47,9
	2-25	1,45	2,63	47,6
	25-55	1,48	2,65	46,3
	55-88	1,51	2,68	45,2
	88-130	1,54	2,71	45,0

Тупроқларнинг ҳажм оғирлиги натижалари ўрганилаётган тупроқларнинг юқори қатламларида 1,30-1,34 г/см³ ни ташкил этади. Тупроқ ғоваклиги ҳайдалма қатламда ўртача 47,5-49,4 фоиз, ҳайдалма ости қатламида 47,2-48,0 фоиз атрофида. Ўрганилаётган тупроқлар зичлиги, ғоваклигининг устунлиги ва тупроқ қаттиқ фазаси қисмининг юқорилиги билан тавсифланади. Тадқиқот натижаларида тупроқ ҳажм оғирлигини камайиши юқори гумусли ва кучсиз шўрланган қатламларида қайд қилинди. Бу тупроқ қатламларида ғовакликни ортиши ва солиштирма оғирлигини


камайиши билан изоҳланади. Тупроқ қуйи қатламларида ҳажм оғирлиги ортиб боришини органик модда миқдорини камайиши ва зичликнинг ортиши ҳамда механик таркибнинг оғирлашиши билан изоҳлаш мумкин. Ҳажм оғирлиги кўрсаткичи ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида нисбатан паст кўрсаткичларга эгаллиги билан қуйи қатламлардан фарқланиб, ҳайдов ости қатламларида ҳажм оғирлиги 1,34-1,38 г/см³, қуйи қатламларда эса 1,40-1,49 г/см³ эканлиги кузатилди. Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар профилининг ўрта қисмида механик таркиб қумлоқли ва қумли қатламлардан иборат бўлиб, механик таркибнинг енгиллашиши билан ҳажм оғирлигини камайиши кузатилади (1-жадвал).

Суғориладиган тупроқларнинг механик ва микроагрегат таркиби. Тадқиқотларда Хўжайли ва Тахиатош туманлари ҳудудларида тарқалган янгидан ва эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал, ўтлоқи-ботқоқ, ўтлоқи ва шўрхок тупроқларнинг механик таркибини ниҳоятда хилма-хиллиги ва профил бўйлаб алмашилиб келувчи турли: енгил, ўрта ва оғир қумоқ механик таркибга эга эканлиги аниқланди. Ўрганилган тупроқларда физик лой миқдори (<0,01 мм) жуда кенг ораликда, 23,0 ва 90,0 фоиз атрофида ўзгаради.

Янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар механик фракциялари таркибида (>0,25 мм) йирик қум фракцияси устунлик қилади ва қуйи қатламлар томон сезиларли камайиб, йирик чанг фракцияси (0,1-0,05 мм) қатламлар бўйлаб бир текисда тарқалмаганлигини кузатишимиз мумкин. Физик лойнинг миқдори бу тупроқларда 24,5-27,0 фоиз атрофида, физик қум миқдори 19,5-36,0 фоизни ташкил этади. Механик таркибига кўра енгил қумоқдан иборат.

Янгидан ўзлаштирилган ўтлоқи-аллювиал тупроқнинг механик фракциялар таркибида майда қум (0,1-0,05мм) ва ўрта чанг (0,01-0,005мм) фракциялари устунлик қилади ва қуйи қатламлар томон сезиларли камаяди. Тупроқларнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида физик лой миқдори 54,0-55,0%, физик қум миқдори 20,0-22,0 фоизни ташкил этади. Механик таркибига кўра оғир қумоқдан иборат. Ўрганилган тупроқларнинг агрофизикавий хоссалари кўрсаткичлари камайиши ёки ошиши биринчи навбатда механик таркибига, тупроқда тўпланган органик моддалар миқдори ва она жинс таркибига боғлиқ.

Ҳудуд тупроқларида <0,25 дан кичик, яъни микроагрегатлар миқдори янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда 28,2%, эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда 55,26%, ўтлоқи тупроқларда 19,51%, ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда 1,68%, шўрхокларда эса 2,72 фоизни ташкил этади. Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар ҳайдов қатламида физик лой миқдори 31,3 фоиз, механик таркиби ўрта қумоқ, ҳайдов ости қатламида физик лой 56,9 фоизгача ортиб, механик таркиби оғир қумоқни ташкил қилади.



1-расм. Хўжайли ва Тахиатош туманлари ҳудудидаги суғориладиган тупроқларнинг тузли кесими ва гранулометриқ таркиби

Суғориладиган тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари. Хўжайли ва Тахиатош туманларида тарқалган янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг ҳайдалма қатламларида гумус миқдори ўртача 0,97-1,59 фоиз, ҳайдов ости қатламида 1,02-1,33 фоиз атрофида эканлиги аниқланган. Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг ҳайдалма қатламларида гумуснинг миқдори ўртача 1,18-1,64 фоиз, ҳайдалма ости қатламида 1,12-1,45 фоиз, янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда гумус миқдори 1,31 фоиздан кейинги қатламга ўтгани сари камайиб 0,58 фоизни ташкил этади. Суғориладиган ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда гумуснинг миқдори 1,55 фоиз бўлса кейинги қатламда 0,83 фоизни ташкил этади. Шўрхоқ тупроқларда гумус миқдори жуда кам 0,14-0,58 фоиз атрофида эканлиги қайд қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

Хўжайли ва Тахиатош туманлари ҳудудларида тарқалган тупроқларнинг агрокимёвий таҳлили

Қатлам чуқурлиги, см	Гумус,%	Ялпи,%			N-NH ₃ кг/га	Ҳаракатчан, мг/кг		CO ₂ карбонатлар,%	SO ₄ гипс,%	pH
		N	P	K		P ₂ O ₅	K ₂ O			
1-кесма. Янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқ. Хўжайли тумани, Ойбек массиви, ТошДАУ НФ тажриба майдончаси										
0-25	0,97	0,121	0,214	2,21	95,5	1,34	273,1	8,49	0,112	7,48
25-33	1,02	0,094	0,118	1,84	75	1,42	374,4	7,51	0,134	7,51
3-кесма. Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқ. Тахиатош тумани, Ҳамза массиви										
0-24	1,45	0,024	0,148	1,54	254	1,29	82,6	7,72	0,245	7,47
24-37	0,75	0,018	0,111	1,51	252	1,73	137,3	8,14	0,184	7,36
4-кесма. Янгидан ўзлаштирилган ўтлоқи-аллювиал тупроқ. Хўжайли тумани Оқолтин массиви										
0-28	0,97	0,094	0,118	1,53	255	1,28	120,9	7,92	0,167	7,45
28-36	1,12	0,069	0,126	1,62	255	1,45	83,5	6,78	0,174	7,51
12-кесма. Шўрхоқ. 10 йиллар олдин кишлок ҳужалигида фойдаланилган. Тахиатош тумани Азатлиқ массиви										
0-2	0,14	0,018	0,117	1,94	72	9,02	450	10,0	0,130	9,14
2-25	0,58	0,050	0,155	1,62	94	3,9	280	8,47	0,207	8,02

Суғориладиган тупроқлардаги шўрланиш жараёнлари. Қорақалпоғистон Республикаси худудидаги суғориладиган тупроқлар шўрланиш химизмига кўра хлорид-сульфатли ва сульфатли типга мансуб. Хўжайли ва Тахиатош туманларида тарқалган янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг ҳайдалма қатламида куруқ қолдиқ 2,037 %, кучли шўрланган бўлиб, ҳайдалма ости қатламида бу кўрсаткич ортиб 4,518 фоизни ташкил этади ва жуда кучли шўрланган даражага мансуб. Қуйи қатламлар томон куруқ қолдиқ 0,514-0,448 % атрофида тебраниб, кучсиз шўрланган даражани ташкил этади, шўрланиш типи хлорид-сульфатли. Эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг ҳайдалма қатламида куруқ қолдиқ миқдори 0,331-0,798 %, кучсиз даражада шўрланган. Шўрланиш типи аксарият тупроқларда хлорид-сульфатли тип лекин, Хўжайли тумани «Оқ олтин» массивидаги эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқ кесмасининг 48-60 сантиметрли қатлами кучли шўрланган, куруқ қолдиқ миқдори 2,051 фоизни ташкил этиб, шўрланиш типи юқори қатламда хлорид-сульфатли типга, 36-170 сантиметрда сульфатли типга тўғри келади. Кучли шўрланиш бу ерда сульфатли тузлар ҳисобига кечади. Тахиатош тумани Хамза массивидаги эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқ сульфатли шўрланиш типига мансублиги аниқланди. Хўжайли ва Тахиатош туманлари худудларидан олинган кесма қуйи қатламларида жойлашган сизот сувлари минераллашганлик даражасига кўра, ўрганилган худудлар суғориладиган тупроқларининг сизот сувлари таркиби турли даражада минераллашган, бу эса тупроқни суғориш меъёри ва худуднинг рельефи билан боғлиқ. Тупроқдаги сизот сувлари минераллашиш даражаси 1,938-7,809 г/л атрофида тебраниб туради. Энг кам минераллашиш (1,938 г/л) Хўжайли тумани Ойбек массивида (1-кесма) ва энг юқори минераллашиш (7,809 г/л) Хўжайли тумани Қумбуз овули (15-кесма) да аниқланди. Янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлардаги умумий тузлар захираси (1-кесма) ҳайдов қатламида 68,2 т/га, ҳайдов ости қатламида 49,1 т/га, эскидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг (6-кесма) ҳайдов қатламида 17,58 т/га, ҳайдов ости қатламида 21,04 т/га атрофида, Тахиатош тумани Азатлык массивида тарқалган шўрхок тупроқларда (12-кесма) умумий тузлар захираси тупроқ юзасидаги 0-2 сантиметрли қатламда 54,16 т/га, 2-25 сантиметрли қатламда эса 153,9 т/гача ортганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Суғориладиган тупроқлар унумдорлигини тиклашда маҳаллий минерал ноанъанавий ўғитларнинг таъсири**» деб номланган бешинчи бобида маҳаллий минерал ноанъанавий ўғит глауконит ва глаукофосни ҳар хил 600, 900, 1200 кг/га меъёрларини тупроқ хоссалари ва ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш мақсадида дала тажрибалари ўтказилди. Тажрибада глауконит ва глаукофос ўғитини ҳар хил меъёрларини минерал ўғитлар билан бирга ва минерал ўғитсиз, фақат глауконит ва глаукофос ноанъанавий ўғити синаб кўрилганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Маҳаллий минерал ноанъанавий ўғитларнинг тупроқ агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсири. Тупроқ ҳажм оғирлигини ноанъанавий

